Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 99 (7. 188) ◉ 1990 йил 1 май, сешанба Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

⊙ Рўзномаларнинг бугунги сонидан меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни — 1 Майга бағишланган мақолалар, СССР Президенти М. С. Горбачевнинг ГДР ҳукуматининг бошлиғи Л. де Мэзьерни қабул қилганлиги, 29 апрель куни Катта Кремль саройининг Владимир залида бир гуруҳ ўртоқларга давлат мукофотларини топширганлиги ҳақидаги расмий хабарлар ўрин олган.

⊙ СССР Конституцион назорат комитетининг аъзоларини сайлаш тўғрисида СССР Олий Советининг қарори эълон қилинган.

МАЙ, БАҲОР, ЯШАРИШ

В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашлар вакилларининг намойиши



⊙ Тошкент. 1990 йил 1 Май. В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашлар вакилларининг намойишидан лавҳалар.

Т. Каримов суратлари.

Қуёшнинг оташли нурлари жумҳурият пойтахтининг бош майдонига ўзгача латофат бахш этган. Одамлар чеҳраси ҳам шодон. Бугун 1 Май — баҳор, яшариш байрами.

Соат миллари роппа-роса 10 га тўғри келганда, жарангдор овозлар янгради. Анъана бўйича майдонда биринчи бўлиб ҳарбий мусиқачилар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

В. И. Ленин номли майдонга биринкетин шодон кириб келаётган хотин-қизларимиз, онахон ва опахонларимиз, бахтли сингилларимиз — турли касб эгалари, талабалар ва ёшлар шахдам одим отишади.

Бу йилги 1 Май намойиши аввалгиларидан яна бир жиҳати билан тубдан фарқ қилади: унда ортиқча дабдаба ёки ҳаддан зиёд «ташкилотчиликлар» ҳам, шиорнамо меҳнат «зафарларию» баҳайбат паннолар ҳам, қўйингчи турғунлик даври аломатларидан тортиб, ҳаёт ҳақиқатидан йироқ сийқа манзаралар йўқ. Ҳаммаси ҳаётимизнинг ўзи каби ҳаққоний, ранг-баранг ва жозибали! Ҳамшаҳарларимиз ўзларининг ҳар қачонгидек қайта қуришни чуқурлаштиришга, турмушларини чиройли ва мазмундор қилишга бўлган интилишларини, бу йўлда ўз жипсликларини намойиш қилиш учун бу ерга ташриф буюрмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги қўлларида кўтариб олган шиорлар ҳам қисқа, уларда ҳам ана шу руҳ, интилиш...

Улар бош майдондан, В. И. Лениннинг узоқ-узоқларга нигоҳ солиб турган улуғвор ҳайкали ёнидан ўз вужудларига янги куч, янгича илҳом олиб ўтиб бораётирлар, худди доҳий ишининг бевосита давоми бўлган бизнинг бугунги инқилобий қайта қуриш, ошкоралик ва жамиятимизни демократиялашни чуқурлаштиришга қўшаётган ўз ҳиссаларини буюк Ленинга қиёслашаётгандек, барча ютуқларни унга бағишлаб, камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш учун қатъий ваъда бераётгандек туюлади.

Бу йилги 1 Май мамлакатимиз, жумҳуриятимиз ва шаҳримиз ҳаётида ғоят ранг-баранг воқеаларга тўла: мамлакатимиз ва жумҳуриятимиз тарихида биринчи марта президентлик лавозими таъсис этилганини, В. И. Лениннинг машҳур «Бутун ҳокимият — Советларга!» шиори янгича куч билан янграй бошлаганини қувонч билан таъкидлаймиз. Советларнинг ишини қилиш, яъни уларнинг ишларига аралашаверишдан қатъий воз кечиб, партия ўз фаолиятини тубдан қайта қурмоқда: партия аппарати деган тушунча ўзгариб боряпти, энди унинг ходимлари бевосита омма ўртасида, партиянинг асоси ҳисобланган партия ташкилотларида иш олиб боришга даъват этилмоқда.

Байрамда саф-саф бўлиб ўтиб бораётганлар орасида яқинда Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга депутат этиб сайланганлар бор. Бу галги сайловлар ҳақиқий ошкоралик ва демократиянинг тимсоли бўлди. Қисқаси, бутун жамиятимиз инсонпарвар, демократик социализм сари дадил боряпти!

Ҳозир КПССнинг XXVIII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, вилоят ҳамда шаҳар партия конференцияларига фаол ҳозирлик кўрилаётган палла. Куни-кеча район партия конференциялари ўз ишини ниҳоясига етказди.

Ҳар куни, ҳар соат бизни янгиликлар кутмоқда. Самарали, режали бозор иқтисодиёти, халқнинг ўзини-ўзи бошқариши, янги федерация, инсониятнинг тинч ривожланиши ва ниҳоят юқорида айтиб ўтганимиздек партияни янгилаш учун катта, кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

В. И. Ленин ҳайкали пойидаги минбарда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, республика партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари, уруш ва меҳнат нуронийлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари боягина Парадлар хиёбонига кириб келган йиғма оркестрдан кейин шахдам қадам ташлаб бораётган минг-минглаб тошкентликларга байрам саломларини йўллайдилар.

Одатдагидек, намойишчилар олдида ишлаб чиқариш илғорлари, байналмилалчи-жангчилар, шаҳарнинг энг кўзга кўринган, мўътабар кишилари ўтиб бордилар. Улар орасида илғор жамоаларнинг вакиллари, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, граждан авиациясининг ремонт заводи, «Алгоритм», «Зенит» ва бошқа йирик корхоналарнинг пешқадам ишчилари бор. Шаҳримизда иш олиб бораётган Совет-Италия қўшма корхонаси — «Совпластитал», термос ишлаб чиқаришга ихтисослашган Совет — Хитой қўшма корхонаси ва бошқа ҳамкорликдаги корхоналар сафи йил сайин кенгайиб, жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллиги сари истиқбол йўлларини очиб бермоқда.

Ранг-баранг гуллар, алвон байроқчалар кўтариб олган намойишчилар сафида турли миллат, касбдаги кишилар, ташкилот ва жамоаларнинг вакилларини кўриш мумкин. Улар кўпгина хайрли ишларнинг ташаббускорлари бўлдилар. «Наврўз», «Орол», «Раҳм-шафқат» ва бошқа жамғармаларни ташкил этдилар. Бундай эзгу тадбирлар кўп. Уларнинг ҳаммасини бу ерда санаб ўтиш қийин.

...Тошкентдаги 1 Май намойиши ҳақиқий ишлар кўригига, орзу-умидларимиз кўзгусига айланди!

Намойишдан кейинги тантаналар пойтахтнинг Халқлар дўстлиги, Алишер Навоий номидаги майдонлар, боғлар, хиёбонларга кўчди.

Ҳамид ИКРОМОВ.



ШУҲРАТ,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Сенинг байроғинг

Кўз очиб дунёга келганим замон
Бошимда мен сенинг байроғинг кўрдим.
Қайтадан яшариб бу кўҳна жаҳон,
Ҳукмдор болға-ю ўроғинг кўрдим.
Байроғинг йўлимда мададкор бўлди,
Истиқбол уфқига боқдим мардона.
Музаффар маслагинг меҳри ёр бўлди,
Ҳар ишда ҳужумкор бўлдим мен яна!
Бахт излаб кезмадим ўлкама-ўлка,
Бегона эшикка урмадим бошим.
Бошимда бўлмади қора кўланка,
Дийдамдан оқмади қонли кўз ёшим.
Ҳар куним бахт туғиб, қуёшдек балқди,
Ҳар куним бахтимга бўлди бир зина.
Кўнглимда севинчим денгиздек қалқди,
Ҳар йилим тенги йўқ буюк хазина!
Сув десам, йўлимда қайнади булоқ,
Нур десам, офтобнинг ўзи боқди тик.
Бахт десам, истиқбол тонглари порлоқ,
Ҳар куним уфқига кўз солдим тетик.
Байроғинг бошимда турди ҳилпираб,
Кўзимни нуридан олмадим бир дам.
Умидим манзили яна ярқираб,
Яна ҳам гўзалроқ кўринди олам.
Эсимни танибоқ, ундан парча деб,
Лоладек бўйинбоқ тақдим қувониб
Навбаҳор ўлкамга ёйганда сеп,
Бағрида яйрадим янада қониб.
Қонимда йигитлик кўпирган йилда
Итвачча Гитлернинг ҳужумин кўрдим.
Ғазабим жўш уриб бу оташ дилда,
Байроғинг остида мардона турдим.
Жанг қилдим байроғинг ҳаққи-ҳурмати,
Жанг қилдим навқирон умримни тикиб.
Ҳаттоки, ажалдан қўрқиб турмадим
Ленинча ёшлигим тиззасин букиб.
Ўлимлар ўлди-ю, у қолди тирик,
Яшашга туғилган асло ўлмайди!
Ким ўлим кўзига қарай олса тик,
Энг оғир дамда ҳам шошиб қолмайди.
Бу жангдан қайтмадим ҳориб-толиқиб,
Яна ҳам маҳкамроқ тутдим байроғинг!
Мамлакат қалбида қон бўлиб оқиб,
Яна ҳам кўркамроқ қилдим юрт боғин!
Шу байроқ қўлимдан мангу тушмайди,
Шу байроқ ёвимга доим бешафқат.
Уч ўғил, бир қизим маҳкам ушлайди,
Оталик меросим унга шу фақат.
Аминман, бу байроқ улар қўлидан,
Неварам-чеварам қўлига ўтар.
Шу байроқ бошлаган ҳаёт йўлидан,
Башарнинг музаффар бахт тонги отар.
Ҳилпира, эй байроқ, Ленин байроғи,
Рангингда менинг ҳам тоза қоним бор.
Бахтиёр қалбимнинг ёниқ чироғи
Сендан нур олмоғи билан бахтиёр!
Ҳилпира, ҳилпира, эй шонли байроқ!
Нурингдан мунаввар яқину йироқ.

Ишнинг муваффақияти — ташаббус ва ижрочиликда

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИДА ШУ НАРСА ТАЪКИДЛАНДИ

Тошкент шаҳри Куйбишев районининг салкам уч ярим минг аҳолиси ўзбек тили курсларида машғулотларни бошлади. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, аҳоли истиқомат жойларида 280 та гуруҳ ташкил этилди. Айни пайтда курсларни ташкил этиш учун харажатларни бир қанча ҳолларда халқ депутатлари район Советининг ижроия комитети ўз зиммасига олди.

Яхши ташаббус! Аммо бу — Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонунни рўёбга чиқариш йўлидаги дастлабки қадамлардан биридир, холос.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлисида ана шу ҳақда гап борди.

Бу гал Қонун қандай амалга оширилаётганлиги республика пойтахт районларидан бири мисолида кўриб чиқилди: бу ерда бошқа районлар, шаҳарлар, областларга хос бўлган кўпгина хусусиятлар мавжуд.

Бошқа давлат ҳужжатлари сингари мазкур Қонунни ижро этишда ҳокимият маҳаллий органлари етакчи вазифани бажариши таъкидланди. Уларнинг вазифаси ишни ташкил этиш ва уни назорат қилиш, айни пайтда корхоналар, ташкилотлар, муассаларга бериладиган ёрдамни юксак талабчанлик билан узвий боғлашдан иборат.

Ўз-ўзидан равшанки, бунда ҳокимият идорасининг намунаси ҳам биринчи даражали аҳамиятга эга. Бу борадаги ишларнинг аҳволи қандай?

Куйбишев район Советининг ижроия комитети раис ўринбосарларидан бири бошчилигидаги ишчи комиссияси тузди. Районнинг кўпгина корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида ҳам шундай комиссиялар ташкил этилди. Қонунни рўёбга чиқариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди, уларнинг ижрочилари ва муддати аниқлаб олинди.

Аммо бу ерда ҳозирча ана шу режалар изчил бажарилишини ташкил эта олмадилар. Ижроия комитет фаолиятини ифодалаб берувчи жиҳатлардан биринигина келтирамиз: бу ерда таржимон штати жорий этилди, бироқ бўш жойни тўлдириш кечиктирилди. Бу эса иш юритишни давлат тилига ўтказиш муддатларига таъсир қилди.

Ижроия комитет уч ой давомида ўз мажлисларида корхона, муассаса ва ташкилотларнинг бирорта раҳбари ҳисоботини тингламади. Улар ўтказаётган тадбирлар ўз вақтида умумлаштирилиб, таҳлил этилмади, қўллаб-қувватланиб, тузатилмади...

Бундай камчиликлар учун район территориясида жойлашган республика министрликлари ва идоралари кўп даражада масъулиятлидирлар.

Шу нарса равшанки, район Совети ижроия комитети ана шу идоралар раҳбарларининг Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг ижроси билан боғлиқ вазифаларини уларга қатъийроқ эслатиши мумкин эди.

Куйбишев райони территориясида жойлашган Луначарский номли маданият уйи зарур даражада давлат тилидаги китоб фондига эга эмас. Айни пайтда бу ерда жумҳурият тарихи, иқтисодиёти, бир қанча аниқ ва амалий фанларга оид адабиётлар жуда кам, китобхонларнинг чет эл адабиёти классиклари, қардош республикалар адиблари асарларининг ўзбек тилига таржимасига қизиқиши қондирилмаяпти.

Маданият министрлиги, республика нашриётлари, Халқ таълими министрлиги бутун Тошкент шаҳри, шунингдек жумҳуриятнинг бошқа шаҳар ва районларидаги мактабларида ўзбек тилини ўрганиш системасини такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга оширишлари керак.

Айни пайтда Куйбишев районида, шунингдек шаҳарнинг бошқа районларида малакали ўзбек тили муаллимлари етишмайди ва ўқитувчиларнинг ярмигина ўқитишнинг техник воситалари билан таъминланган. Дарсликлар ва қўлланмалар кам.

Бошқа идоралар ҳам Қонунни ижро этишдаги камчиликлар учун район ижроия комитети билан баббаравар жавобгар бўлишлари лозим. Чунончи, Автомобиль транспорти министрлиги автостанциялар ва автовокзаллар диспетчерлари ҳамда кассирларига ўзбек тилини ўқитиш курсларини ташкил этмаган.

Республика Алоқа министрлиги, Қурилиш министрлиги, Дон маҳсулотлари министрлиги, «Главташкентстрой», «Тошкент трактор заводи» ва «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаларининг маъмуриятлари Куйбишев райони ва шаҳарнинг бошқа районларидаги ўзларига қарашли корхоналарда теғишли тадбирлар ўз вақтида бажарилиши тўғрисида ғамхўрлик қилмадилар.

Район Советининг ижроия комитети қонунни рўёбга чиқариш юзасидан методик тавсиялар ва маслаҳатлар бериш вазифаси юкланган ташкилотлар ва муассасалар: Фанлар Академияси, атамашунослик, топонимика мутахассислари билан тез-тез маслаҳатлашиши, фаолроқ алоқа ўрнатиши зарур. Бу эса кундалик фаолиятга самарали таъсир кўрсатади ва аҳоли кенг доираларининг тарих, маданият ва анъаналарга, тил муаммоларига қизиқишини тўлароқ қондиришга ёрдам беради.

Министрлар Совети Президиуми Куйбишев район ижроия комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва бошқа бир қанча идоралар, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг эътиборини «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни рўёбга чиқаришдаги камчиликларга қаратди ва улар зиммасига Қонуннинг барча қоидаларини амалга ошириш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш вазифасини юклади.

(ЎзТАГ мухбири).

Жумҳурият янги гимни янграйди

Жумҳурият Олий Совети биринчи сессиясининг қарорига мувофиқ, Ўзбекистон ССР янги Давлат гимнини яратиш юзасидан иш бошлаб юборилди.

Мазкур масала Олий Советнинг маданият, фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш ҳамда миллатлараро муносабатлар, тил ва байналмилал тарбия масалалари доимий комиссияларининг ишчи группаси мажлисида кўриб чиқилди.

Муҳокамада мажлисга таклиф этилган ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари, шоирлар ва композиторлар, олимлар, журналистлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Давлат гимнининг шеърий матни ва мусиқасига конкурс ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ҳакам ҳайъати танлаб олган асарларни кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат гимнини жумҳурият Олий Советининг сессияси тасдиқлаши керак.

(ЎзТАГ мухбири).

— Янгиликлар
— Воқеалар
— Хушхабарлар

Янги лойиҳа асосида

⊙ «ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ» даҳасида янги тажриба асосида қурилган кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Бу бино уч бурчак шаклида бўлиб 72 хонадонга мўлжалланган. Уларга иккита лифт хизмат кўрсатади. Шундан бири юк ташиш учун бўлса иккинчиси йўловчилар учун мўлжалланган лифтдир. Бино янги лойиҳа бўйича қурилди.

Д. АЪЗАМОВ.

Даҳа чиройи

⊙ ҲАЛҚА йўлнинг ён бағрида жойлашган даҳа йил сайин гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда кўплаб қурилиш ташкилотлари бунёдкорлик ишларини олиб боришди. Шулардан бири 3-уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармаси жамоасидир. Ўзаро меҳнат беллашувида ғолиблик қилаётган А. Қобилов етакчи кўп тармоқли жамоа даҳадаги 60 та турар жой биносининг бунёдкорларидир.

Ибн Сино даҳасида 60 та кўп қаватли бинолар қад кўтариши мўлжалланган эди. Шундан тўққизтаси мазкур бригада бунёдкорлари томонидан бунёд этилди. Бу уйлар бир-биридан чиройлилиги билан даҳа ҳуснига ҳуси қўшиб турибди.

Д. АЗИЗОВ.

Унутилмас у кунлар ёди

Бундан ярим асрча муқаддам

ТОШКЕНТДАГИ В. П. Чкалов номли заводнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 1942 йил Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларга қарата мурожаат қилиб, 1 Май байрамига ленинградликларга совға юборишга чақирдилар.

Мурожаатда: «Биз Ленин шаҳрининг аҳолиси зиммасига нечоғлиқ оғир синовлар тушганлигини ва бу синовларга улар қанчалик қаттиқ туриб бардош бераётганларини бир минут ҳам эсдан чиқармаймиз. Бизнинг кўнглимиз Ленин шаҳрининг шонли ҳимоячиларига муҳаббатимизни ва қойил қолганлигимизни изҳор қилиш ҳислари билан тўлган. Биз буюк пролетар байрами — 1 Май муносабати билан уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа совғалар юборишга қарор бердик. Бу совғаларни жамғариш учун ўзимизнинг бир кунлик иш ҳақларимизни ажратишга қарор қилдик. Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни биздан намуна олишга ва Ленин шаҳрига юз ва минглаб 1 Май совғалари юборишга чақирамиз», — дейилган эди.

Завод ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг бу ватанпарварлик чақириғини шаҳар барча ишлаб чиқариш корхоналарининг ва муассасаларининг жамоалари қизғин кутиб олдилар. Шу муносабат билан митинглар ўтказилди.

Ильич номли заводда ўтказилган митингда сўзга чиққан стахановчи ишчи Содиқов ленинградликларга муносабатини шундай ифодалади: «Пок шаҳримизни лаънати душмандан мардларча ҳимоя қилаётган ленинградлик дўстларимизга ҳар қанча кўмаклашсак, арзийди. Бизнинг ҳар бир ёрдамимиз душманга ўқ бўлиб тегади, дўстларимизга совға мадад беради. Мен ленинградликларга совға юбориш учун бир кунлик иш ҳақимни бераман: завод жамоаси томонидан Ленинграднинг шонли ҳимоячиларига юбориш учун 7 минг сўм пул тўпланди. Тошкентнинг гўшт комбинати эса 8 минг сўм йиғди».

Ўзбек халқи қаҳрамон ленинградликларга аталган совғаларни меҳрибонлик ва самимият билан тўплади. Ўзбекистон ўзининг муносиб намояндаларига — саноат корхоналари ва колхоз далаларининг илғор стахановчиларига элтиб беришни топширди.

Совғалар ортилган поезд Тошкентдан Ленинградга қараб 1942 йилнинг 17 апрелида йўл олди. Ун, гуруч, янги ва қуритилган мевалар, ёнғоқ консерва, қандолат маҳсулотлари ортилган 68 вагон бор эди.

Ўзбекистон халқининг Ленинград ҳимоячиларига юборган совғасини қабул қилиб олган Ленинград шаҳрининг раҳбарлари Совет Ўзбекистони меҳнаткашларига совға учун миннатдорчилик билдириб хат йўлладилар. Улар ўз хатларида: «Ленинградликлар улуғ ватанимизнинг халқлари ўртасидаги дўстлик ва бирлик кучини ва аҳамиятини доимо сезиб келдилар ва сезиб турмоқдалар. Бутун халқнинг мадад бераётганлиги ленинградликларнинг ҳамма қийинчиликларга бардош бериб чидашларига, ўз устиларига тушган ҳамма мушкулликларни ва кулфатларни енгишларига ёрдам қилмоқда...

Биз биламизки, ўзбек халқи учун ҳам совет ерини немис босқинчилардан тозалаш йўлида курашишдан кўра муқаддасроқ вазифа йўқ. Ўзбекистоннинг минглаб фарзандлари Қизил Армия сафларида душманга қарши қаҳрамонларча курашмоқдалар. Ўзбекистон республикасининг меҳнаткашлари фронт эҳтиёжларини қондириш учун, совет давлатининг ҳарбий қувватини мустаҳкамлаш учун зўр бериб ишламоқдалар», — деб ёзганлар.

Ильич номли заводда бўлган митингда қуювчи мастер Содиқов шундай деди:

— Ленинград, ленинградликлар — бу сўзлар кўнглимизга нақадар яқин бўлиб қолди, биз қуювчилар металлнинг қандай қаттиқ эканлигини биламиз. Аммо ленинградликларнинг ғалабага бўлган иродаси ҳар қандай металлдан ҳам қаттиқроқ. Улар — темирдек мустаҳкам кишилар!

Ўзбекистондаги мингларча кишилар Ленинграддан келтирилган болаларни зўр меҳрибонлик билан ўз оилаларига, ўз болалари сингари қабул қилиб олдилар.

Ленинградлик болаларга 700 минг сўм ва 17 тоннадан кўпроқ озиқ-овқат тўплаб юборилди, шу билан бир қаторда кўчириб келтирилган болаларга 100 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. 1942 йилнинг кузида Тошкентда ленинградлик 400 болага мўлжалланган болалар уйи ташкил қилинди.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ҳукумати Ленинграднинг қаҳрамон ҳимоячиларини 1943 йилнинг 1 Май байрами билан табриклаб, ўзбек ҳамда ленинградликларнинг немис-фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонларча курашидан руҳланиб, фронтни ва Ленинградни қурол-аслаҳа ва озиқ-овқатлар билан таъминлаш йўлида тинмай меҳнат қилдилар. Ўз навбатида Ленинград ҳимоячиларининг раҳбарлари ҳам ўзбек халқининг Ленинградга тинмай кўрсатаётган ғамхўрлик ва юбораётган ёрдами учун миннатдорчилик рамзи билан тўлиб-тошган табрик хати йўлладилар. Унда жумладан шундай дейилган эди:

— Бепоён совет ерининг ҳамма бурчакларидан, шу жумладан ўзбек халқидан Ленинградга нисбатан тинмай кўрсатилаётган ғамхўрлик ва юборилаётган ёрдам, бу — жанговар иттифоқ ва дўстликнинг ёрқин ифодасидир. Бу қардошлик мадади Ленинград ҳимоячиларига манфур фашист босқинчиларга қарши курашда янги куч бермоқда. Ленинградликлар ўз шаҳрининг шонли ва қаҳрамон ҳимоячилари қаторида Ўзбекистоннинг шонли фарзандлари ҳам Ватан учун, Ленин шаҳри учун мардона ва қаҳрамонона жанг қилаётганлари билан фахрланадилар. Ленинградликлар Улуғ Ватан уруши давомида неча ойлардан буён ўзбек халқи кўрсатиб келаётган ёрдамини ҳеч қачон унутмаяжаклар.

Халқларимиз ўртасидаги мана шу қардошлик ва биродарлик туфайли душман устидан ғалабага эришилди. Ана шу дўстлик туфайли урушдан кейин душман хонавайрон қилган шаҳар ва қишлоқлар, саноат корхоналари қайтадан тикланди.

Тошкент ва Ленинград меҳнаткашларининг қардошларча дўстлиги шаҳардаги уй-жойларга ва саноат корхоналарига катта зарар келтирган Тошкентда юз берган зилзила вақтида яна бир синовдан ўтди.

1966 йилнинг 2 июнида зилзиладан зарар кўрган шаҳарни тиклашда қатнашиш учун Ленинграддан Тошкентга биринчи қурилиш поезди келди. Кўп вақт ўтмай Ленинград ва Ўзбекистоннинг партия ва совет органларининг ўзаро келишувига биноан Тошкентда «Ленташстрой» трести тузилди.

«Ленташстрой» ва унинг тармоқлари катта иштиёқ билан ишладилар. Улар ўз тажрибаларини Тошкент қурувчилари билан баҳам кўриб, бу тажрибаларни амалда қўллашда ёрдам бердилар, тошкентликлар билан бир қаторда туриб меҳнат қилдилар.

1967 йил 18 апрелда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ёш қурувчиларнинг йиғилишида Ленинград қурувчиларининг вакили Анатолий Шамаров Ленинград ва Ўзбекистон меҳнаткашларининг дўстлиги ҳақида шундай деди:

— Ленинградликлар оғир 1942 йилни, Тошкент нони ортилган машиналарда Ладога қўли орқали қамалдаги Ленинградга йўл очганликларини ҳеч қачон унутмайдилар. Ҳозир эса, сизлар учун оғир дамларда, биз четда туролмадик ва ёшларимиз Тошкентни тиклашда ва унинг қурилишида сизлар билан бир қаторда туриб меҳнат қилишни ўзлари учун шараф деб биладилар.

Ленинградлик қурувчилар ҳаммаси бўлиб 1966—1968 йилларда Тошкентда 100 минг квадрат метр турар жой, 1920 ўринли икки мактаб, 560 ўринли иккита болалар комбинати қурдилар. Улар пудрат йўли билан 4,580 минг сўм сарфланган пойабзал фабрикасини қурдилар. Ленинградликларнинг кўрсатган ёрдамини Тошкент меҳнаткашлари ҳам асло унутмайдилар.

А. АБДУҚОДИРОВ,

Тошкент вилоят партия комитетининг партия ҳужжатхонаси мудири.



⊙ БИНОКОР—БУНЁДКОР. 4-трестнинг 19-қурилиш бошқармаси пайвандчиси Юрий Козин.

Т. Каримов сурати.

Ҳунари гўзаллар

ЙЎЛЛАР ОШУФТАСИ

ИНСОН бахтли бўлиши учун кўп нарса керакми? Ҳар бир киши буни турлича тушунади. Зеро, инсон ўз маънавий дунёсидан келиб чиққан ҳолда бахтга ўзича таъриф беради. Такси ҳайдовчиси Вазира опа Солиҳовага бу саволни бериб ўтирмадик. Негаки, жамоа фахри бўлиб қолган бу инсон бахтли. У саккиз фарзандни тарбиялаб вояга етказган. Бунинг устига мана, салкам 40 йилдан буён ўз севган касбида — такси ҳайдовчилик қилиб келяпти. Нуқсонсиз бошқаришнинг ўзи бўлмайди, албатта. У хизмат қилаётган Тошкент шаҳар пассажир транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 5-такси паркида ҳайдовчилар билан суҳбатлашганимизда унинг бахтли эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Тўғриси, такси ҳайдовчилик аёл киши учун машаққатли касб, — дейди Вазира опа. — Лекин ёшлигимдан шу касбга меҳрим тушган. Шу туфайли 50-йилларда хотин-қизлар орасида биринчилардан бўлиб такси рулини бошқаришга ўтирганман.

Тажрибали ҳайдовчи ўтган йиллар ичида миллион километрли масофани босиб ўтди. Топшириқларни ҳамиша вақтида уддалаб келди. Энг муҳими, йўловчиларга аъло хизмат кўрсатишни бурчи деб билди.

Ҳозир у ўғли Рустамжон билан биргаликда оилавий пудрат асосида иш олиб боряпти. Белгиланган кунлик режа 75 сўм. Солиҳовлар оилавий пудрати тўртинчи колоннада илғор. Ўтган ой топшириқларини 110 фоизга уддалади. Опанинг яна икки ўғли Суръат ва Шавкатжонлар ҳам оила анъанасини давом эттиришяпти. Уларнинг бири механик, иккинчиси эса такси ҳайдовчиси.

— Вазира опани ўз онамдек ҳурмат қиламан, — дейди такси парки ҳаракат хавфсизлиги катта инженери К. Шермуҳамедов. Шунча ишлаб, на бир йўловчи, на бир ГАИ ходимининг опа устидан шикоят қилиб келганлигини эшитмаганман. Тажрибали ҳайдовчи ҳеч қачон ўз ишига эътиборсизлик билан қараган эмас. Буни шаҳар автоинспекцияси ходимларининг кўпчилигидан сўраб билиш мумкин, чунки уни ҳамма танийди.

Ўтган йили маъмурият ишдаги муваффақиятлари, ёнилғи ва эҳтиёт қисмларни тежашдаги омилкорлиги ҳамда 250 минг километр йўлни ҳеч бир нуқсонсиз босиб ўтганлиги учун Вазира опага айнан 8 март арафасида янги машина совға қилган эди.

— Солиҳованинг жамоат ишларидаги фаоллиги ҳам диққатга сазовор, — дейди партия ташкилоти котиби Ю. Соломенков. — У хотин-қизлар кенгашининг аъзоси, тажрибали мураббийларимиздан.

Дарҳақиқат опа кўп йиллик меҳнат фаолиятида анчагина шогирдлар етиштирди. Улардан бири моҳир ҳайдовчи Анна Жуковадир. Александра Горчарова эса ўз устози сингари оила пудрати асосида ишламоқда.

— Кўпчиликка аёл кишининг такси ҳайдаши қизиқ туюлади, — дейди В. Солиҳова. — Негаки, руль бошқариш оғир, аёллар касби эмасдек. Аслида касбларнинг яхши-ёмони, енгил-оғири бўлмайди. Фақат машаққатидан чўчимаслик ўзинг танлаган касбга меҳр қўйиш керак. Кўп йиллик тажрибамдан билдимки, таксичи бўлиш учун фақат яхши ҳайдовчи бўлиб қолмасдан, балки яхши билим эгаси ҳам бўлиш, ўз шаҳрининг ҳар бир кўчаси, ҳар бир маҳалласи ва жойини аниқ билиши ва энг муҳими йўловчиларга доим эътиборли бўлиш керак Ана шундагина у аҳоли эъзозига, йўловчи ҳурматига сазовор бўларкан.

Фахрий автотранспортчи В. Солиҳова ҳақ. Уни эзгу мақсадлар йўлга чорлаяпти.

А. БОЛИЕВ.

⊙ **СУРАТДА: Вазира Солиҳова.**

З. Ҳайдаров сурати.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

КОРХОНАНИНГ ҲАҚИҚИЙ ХЎЖАЙИНЛАРИ

Ҳақиқий хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини молиявий жиҳатдан таъминлаш бугунги кунда иқтисодни ривожлантиришдаги муҳим босқичлардан бири бўлиб қолди.

Иш юритишнинг яна бир янги тури эса ижара пудратидир. Шаҳримизда бу усулнинг талайгина афзалликларга эгалигини бир қатор корхоналар амалда исботлаяпти. Тошкент картон буюмлари заводи ҳам ана шундай корхоналардан. Мазкур завод жамоаси шу йилнинг январь ойидан бошлаб ижара пудратига ўтиб ишлади. Табиийки, корхонадагилар бу усулга ўтишга тўсатдан қарор қилмадилар...

АСЛИДА завод маҳсулотлари 100 фоиз давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилади. Ҳозир кўп корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги ҳақида гапириляпти-ю, лекин унинг амалдаги мустақиллиги баъзан таъминланмаяпти. Заводдаги барча маҳсулотларнинг нархи, ишчиларнинг меҳнат режими, техникадан қанча вақт фойдаланиш, ҳаттоки ишчиларнинг қай бирига қанча маош тўлаш ҳам «юқоридан» белгиланиб, ана шу идоралар томонидан қатъий назорат қилиб турилибди. Бу кўпчилик тилга олаётган ўша маъмурий-буйруқбозлик усули оқибатидир. Давлат корхоналарининг аксарияти айнан мана шу усул туфайли ўзини ўнглай олмаяпти.

Цехда тажриба ўтказган ижарачи энди бу ишга ҳам бош-қош бўлди. Эндиликда корхона янгича жарангдор ном билан — «Папирус» фирмаси деб атала бошлади. Бу чиқиндиларни тезкорлик билан қайта ишлаш деган маънони билдиради. Бир қарашда директор ва унинг ўринбосари ўрин алмашгандек туюлади. В. И. Артемьев бугун фирманинг раиси, А. В. Емельянов эса техник директор бўлиб ишламоқдалар. Кўпчилик бу ҳолга ҳайрон бўлиши мумкин. Қандай қилиб шу пайтгача иқтисодий жиҳатдан билимдон, кўп йиллар шу корхона жамоасига етакчилик қилган ва кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган директор бугун, корхона ижарага олинган кейин бевосита ўз касби бўйича ишлашга қарор қилди? «Бу қанақаси, бир корхонага икки раҳбарми?»

— Биласизми, ишлаб чиқариш жараёнларини, маҳсулотни тежашни директорга, ташкилотчилик ва ишни ташкил қилишни менга қўйиб берасиз. Биз бир-биримизни тўлдирамиз. Энг асосийси — ишни йўлга қўяётганимиз, — фирма раиси шундай деб кулиб қўйди.

Мана, қаранг! Бу икки раҳбарнинг маънавий дунёсига бир назар ташлайлик. Улар бир-бири билан рақобат қилишни ҳаёлларига ҳам келтирмаяптилар. Балки аксинча аҳиллик билан иш олиб бориб, «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган ажойиб наклга амал қилишаётгани учун ҳам корхона ижарага ўтгандан бери, борйўғи 3 ой ичида кўзга кўринарли натижаларга эришилганининг сабабларидан бири шу эмасми? Ҳақиқатан ҳам икки раҳбарли мазкур корхонада ишлар силжиб кетди. Асосийси, буюртма шартномалари бекаму кўст бажариляпти. Ишчилар хурсанд. Ҳозир мавжуд техникаларнинг ҳаммаси лойиҳа қувватидагидан юқорироқ унумда ишлаяпти. Илгари бир сменада ишлаган машиналардан бугун 2—3 смена давомида узлуксиз фойдаланиляпти.

Барча цехларда техника тинимсиз ишлаётганини кўриб, яна эски одатга кўра хавфсирайди одам. Ахир, техника бунақа ишлайверса, белгиланган ўн йилга етмай, 2—3 йилда ишдан чиқади-ку. Қолаверса, уларнинг тезлиги ҳам оширилган?

— Бунинг эвазига биз катта даромадга эга бўляпмиз, — дейди раис. — Иш унуми ниҳоятда юқори. Ихтирочиларимиз машиналарнинг сифатли ишлаши устида бош қотиряптилар. Қолаверса, биз эскиларнинг ўрнига янги «Агат» машиналарини харид қилиб қўйганмиз. Зарурат туғилиши билан янгисига алмаштирамиз. Машина Иттифоқ корхоналарида ишлаб чиқарилади. Шунинг учун ҳам уни харид қилиш кўп қийинчилик туғдирмайди. Бу фикрлар ўринли. Албатта, бундан техникадан хоҳлаганча аямасдан фойдаланиш керак, деган хулоса чиқмаслиги керак. Бу бор нарсага қаноат қилиб яшайвермасдан, ихтирочилик билан, янгилик яратиш билан ҳам шуғулланш керак, деган маънода айтиляпти.

Жамоада бугун 320 нафар ишчи ишлайди. Картон буюмлари корхона барча маҳсулотининг 70 фоизини ташкил этади. Булка-қандолатчилик комбинати, макарон маҳсулотлари фабрикаси, «Ўртоқ» қандолатчилик корхонаси фирманинг асосий буюртмачиларидир. Шунингдек, ёғочга ишлов бериш цехида шиша идишларни жойлаш учун ёғоч яшиклар ишлаб чиқарилади.

Корхона икки йил олдин хўжалик ҳисоби шароитида иш бошлаган эди. Мустақилликнинг дастлабки одимлари шу усулнинг шарофати туфайли юз берди. Ўтган муддат ичида асосий эътибор халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришга қаратилди. Ижара усулида эса унинг ҳажми кескин кўтарилди.

Шу йилнинг дастлабки ойлари якунларига кўра 86 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилди. Ваҳоланки ўтган йилнинг шу даврида бу рақам 48 минг сўмни ташкил этганди. Меҳнат самарадорлиги киши бошига 740 сўмдан 1010 сўмгача ўсди. Соф фойданинг ҳажми 222 минг сўмдан 303 минг сўмга кўтарилди. Шартномаларга кўра буюртмачиларга 875 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Кўриниб турибдики, корхонанинг кўрсаткичлари ёмон эмас. Назаримизда, фирма аъзолари бугун ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хўжайинларига айланишди. Улар ишни ташкил этишга янгилик киритишдан чўчимаяптилар. Янгича иш юритиш туфайли бугун жамоа ўзининг автотранспорт базасига эга бўлди. Машиналар сотиб олинди. Эндиликда буюртмачиларга маҳсулот етказиб бериш, қолаверса, цехларни узлуксиз хом ашё билан таъминлаб туриш муаммоси тўла бартараф этилди. Ижарачилар хом ашёни ҳам қўшимчаси билан олиб қўйишяпти. Баъзи корхоналар таъминот ёмонлиги туфайли одамларни иш билан таъминлай олмайдилар. Бу ерда бундай ташвишга сира ўрин йўқ. Омборларни кўздан кечирганимизда ёғоч ва қоғозларнинг устма-уст тахлаб ташланганининг гувоҳи бўлдик. Агар бирон-бир сабаб билан таъминот кечикиб қолса-да, корхонада иш тўхтамаслиги тайин. Фирмада бугун иш қизғин. Илгариги вақтлар бўлса, юқори ташкилотлар бундай мустақилликни дарҳол чеклаб қўйган бўларди. Лекин бугун уни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар. Бу эса ишларни янада жонлантириш имконини яратяпти.

«Папирус» фирмаси бугун фақатгина картон буюмлари билан чекланмай, кўп тармоқли корхонага айланяпти. Бугун улар полиэтиленли дастурхон, халтачалар, сумкалар ишлаб чиқаришяпти. Яқинда Тошкент консерва заводининг бир цехи ҳам ижарага олинди. Цехда ишни ташкил этишга эса 1,5 миллион сўм ажратилди. 4 миллион сўм ҳажмида янги цех биноларини қуриш ҳам яқин келажакнинг вазифалари. Бу маблағларнинг ҳаммаси ишчиларники. Демак улар меҳнат кишисининг эҳтиёжлари учун сарфланиши керак.

Корхона ёрдамчи хўжалиги учун бу йил 30 гектар ер ажратилди. Бу ишчиларни озиқ-овқат, гўшт, сут маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам йўлга қўйилишига имкон яратади.

Ҳақиқатан ҳам «Папирус» фирмаси жамоаси мустақил иш юритишнинг дастлабки натижаларини кўряпти. Қолаверса, у бугунги ишлар билан чекланмай, ўз фаолият чегарасини янада кенгайтиряпти. Демак, уларга расмий эмас, амалий мустақиллик зарур. Юқоридан бериладиган баъзи маъмурий буйруқлар эса ишни орқага тортади, холос.

Демак, бугун ижара афзалликларидан тўла фойдаланиш муддати етди. «Папирус» фирмаси эса ана шу афзалликларни амалда намойиш эта бошлади. Тўғри, ҳали бу ерда ҳамма муаммолар тўла бартараф этилган, дея олмаймиз. Ижаранинг ўзига яраша «инжиқликлари» бор. Ҳамма гап уни оқилона енгишда қолган.

В. МАДИМАРОВА.

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

Баҳор фасли ўзгача файз, ўзгача тароват касб этмоқда. Бу фаслда байрамлар байрамларга уланиб кетади. Шарафли саналар арафасида жамоалар ўртасида меҳнат рақобатини авж олдириш ва юқори иш натижаларига эришиш учун ҳаракат қизғин тус олиб кетди.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат жамоалари бу ҳаракатдан четда қолмаяпти. Бирлашманинг 94-цехи меҳнат рақобатининг олдинги сафларида бораётган жамоалардан. Байрам арафасида ишчиларга 250 сўм пул ютуғи ажратилди. Жамоанинг меҳнат ютуқларига ҳар бир ишчи ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти. Мастер С. Муравьев, ўлчаб чизиб берувчи М. Емельянов, йиғувчи П. Шевченко, силлиқловчилар В. Кирмасов, Е. Юн, Р. Абдурашидов сингари ишчилар зиммаларига юкланган топшириқларни ортиғи билан бажаришга эришяптилар. Айниқса, Владимир Викторович Матэри ўз касбдошларига намуна кўрсатиб, ҳурмат-эътиборга сазовор бўляпти. У топшираётган маҳсулотлар назорат бўлими томонидан юқори сифатли деб баҳоланяпти. Пешқадам ишчининг байрам арафасида «Сифат аълочиси» деган номга сазовор бўлиши ҳам унинг меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Ғолиблар қаторида саёҳат йўлланмаси билан тақдирланди.

Корхона касаба уюшмаси қўмитасида ҳар уч ойликда ишчиларнинг кўтаринкилигини ошириб бориш одат тусига кириб қолган. «Энг яхши уста» номига сазовор бўлган С. Муравьев, «Энг яхши ишчи» деб топилган М. Емельяновлар бундан кейин янада унумлироқ ишлашга бел боғламоқдалар.

С. Муравьев етакчилик қилаётган жамоанинг ютуқлари ҳам ўрнак қилиб кўрсатса арзигулик. Мусобақада ғолиб чиққан бу жамоага 390 сўм пул мукофоти, магнитофон ва саёҳат йўлланмаси ажратилди. Ғолиб жамоаларнинг вакиллари ишлаб чиқариш топшириқларни мунтазам адо этишга, рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларда юқори унум билан ишлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бирлашмада касаба уюшмаси қўмитасининг меҳнат рақобатига алоҳида эътибор билан ёндошаётганлиги келгусида ҳам янги зафарларга замин яратади, деган умиддамиз.

Х. ХУЖАЕВ,

В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси назоратчиси.

«Инь-Янь» таклиф қилади

⊙ **КЕЧА Пролетар кўчасида «Хива» ёзги кинотеатри билан ёнма-ён жойлашган «Инь-Янь» фирмали магазини меҳмонларга ўз эшикларини очди.**

Тошкентда биринчи марта асосан корейс жамоатчилигининг эҳтиёжини қондирадиган савдо дўкони иш бошлади. Бу ерда фақат миллий маданият ва турмушда ишлатиладиган буюмларни, айтайлик китоблар, уст-бошлар, спорт кимонолари, корейс ошхонаси учун ярим фабрикатлар олиш билан бирга, турли тантаналар учун миллий таомлар тайёрлашга буюртмалар бериш ҳам мумкин.

Магазиннинг хизмат доираси анча кенг. У комиссион, воситачилик ишларини ҳам қилади. Масалан, корейс тилидан рус тилига ва рус тилидан корейс тилига матн ва хатларни таржима қилиб беради.

В. КИМ.

МАШИНАСОЗЛАР ҲИММАТИ

ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлари олдида янги масала кўндаланг бўлди: агар авваллари корхона йилига 10 минг атрофида «зангори кема» ишлаб чиқарган бўлса, бу йил бундан анча кам миқдорда тайёрлашга тўғри келяпти. Негаки, берилган буюртма шундай, ортиқча машиналарга колхоз ва совхозлар энди эҳтиёж сезмаётирлар.

Хўш, корхона жамоаси бу аҳволдан қандай қилиб чиқмоқчи? Энг аввало эҳтиёт қисмлар ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратиляпти. Пластмасса ва бошқалардан тайёрланаётган 30 дан зиёд кенг истеъмол моллари эса анча харидоргир бўлиб қолди. Шу сабабли цехларда бу борада ўзаро мусобақа кенг тус олиб кетди. Корхонадан маълум қилишларича. Ф. Фазлитдинов, И. Колтун ва Ю. Свечниковлар етакчилик қилаётган 1, 14- ва 27-цехларнинг жамоалари ўзаро мусобақада совриндорлик қилишди.

Шуниси диққатга сазоворки, бирлашмада йиғув цехидан бошқа ҳамма цехлар кенг истеъмол моллари ишлаб чиқармоқда, уларнинг турлари эса тобора такомиллаштириб борилмоқда.

А. ҲАМИДОВ.

Маданий меросимиздан

«Атабатул ҳақойиқ»

АХЛОҚ энг қадимий ижтимоий онг шаклларидан бири ҳисобланади. Ахлоқ кишиларнинг ўзаро муносабати, шахснинг давлатга, халққа, табиат ва инсоният яратган маданий ва маънавий бойликка бўлган муносабат ўлчамидир. Қадимги Аполон черковининг томига «Ўз-ўзини билиш керак» деган сўзларнинг ёзилиши инсонларнинг айни шу чоғда ахлоқни тадбиқ қилиб аниқ бир ҳулосага келганлиги уқтирилган. Қадимги Греция файласуфларидан Демокрит «Юқори фазилатли дўсти бўлмаган кишининг ҳаёти қоронғу бўлади», «Пасткаш одам эҳтиёж олдида ваъда қилади, қаноат олдида юзсизлик қилади» деса, Гераклит «Вабодан қазо қилганнинг руҳида жангда қурбон бўлганнинг руҳи туради», «Тарбия — тарбияланувчининг иккинчи қуёши» дейди.

Ахлоқнинг энг аввалги шакли меҳрибонлик бўлиб, ахлоқ шахснинг жамият билан бўлган муносабатда камтарлик, ботирлик, мардлик, қаҳрамонлик билан ўз ифодасини топади.

Ўз даврининг атоқли шоири Аҳмад Югнакий инсоният маданиятидаги энг юксак хислатлардан бири бўлган ахлоққа «Атабатул ҳақойиқ» достонида кенг ўрин беради, уни алоҳида мадҳ этади. Шоир кишиликнинг энг яхши ахлоқий фазилати бўлган Мардлик ва камтарликка мадҳия ўқиса, кишилик фазилатининг зид тарафи бўлган беҳаёлик ва такаббурликни ғазаб билан қоралайди:

Эй дўст, билимликнинг изидан борғин,
Сўзламакчи бўлсанг, билиб сўзлагин.
Мақтасанг мардни мақтагин,
Беҳаёға ўқ-ёйни кенг тортгин.

Инсоний, ахлоқий фазилатнинг душмани бўлган баҳиллик ҳақида шоир шундай ёзади:

Баҳиллик соғайтириб бўлмайдиган касалдир,
Беришга келганда бахил қўли анча чигалдир.
Иғнаш билан очкўз, бахилнинг кўнгли тўлмайди,
У мол-дунёга қулдир, мол-дунё унга ҳокимдир.

Шундай бир гап бор: Бир кишига икки чангал динор берилса, у уч чангал талаб қилади. Шоир ижодининг реалистик характерини айни шу ахлоқ масаласидаги чуқур фалсафий нуқтани белгилаган ҳолда акс эттирилган:

Қара, мардлар чуқур билимга эга бўлади,
Мол-дунёсини сотиб, мадҳ олади.
Мискинларга тиладжой бўлиб яшайди,
Дунёда яхши ном билан кетади.
Эй, мол эгаси — мард, яхши одам,
Тангри сенга бердими, сен ҳам бергин.

Шоир ахлоқий фазилатлар ичида ростгўйликнинг тутган ўрнини чуқур тушуниб, ўз фикрларини шундай баён қилади:

Ростгўй бўл, ростгўйлик қил, ростгўй атал,
Кишилар сени ростгўй одам деб билсин.
...Елғон сўз гўё касал, рост сўз шифодур,
Бу азалдан айтиб келинган масалдур.

Шоирнинг эстетик қарашлари ахлоқий қарашлари билан маҳкам боғланган ҳолда ифодаланиб, достонда бошдан-оёқ давом этади. Бу эстетик категория билан этик категориянинг бир-бирига боғлиқлигидан келиб чиқади. Гўзаллик — эстетик категория аммо инсон характерида гўзаллик билан яхшиликни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Инсондаги яхши феъл-атвор бошқаларга ёқимли, ҳузур-ҳаловат берадиган эстетик ҳис-туйғу пайдо қилиб, у инсонга гўзаллик бағишлайди.

Югнакий бу дунё ҳақида шундай дейди:

Дунё қулимсирайди ҳам қопгани туради,
Бир қўлда асал, бир қўлда заҳар сақлар.
Аввал асал бериб, оғзингни тотлик қилиб қўйиб,
Кейин заҳар қўшилган қадаҳни тутар.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

Қатралар

НАЙ НОЛАСИ

ЙИГИТ билан қиз боғда учрашишарди. Шундай дамларда улар кўзига ҳеч нима кўринмасди. Икки жуфт мафтункор кўз бир-бирига хумор билан тикилганча узоқ ўтиришарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ниҳоят йигит қизнинг қулоғига аста шивирлади, иккаласи бараварига кулишди. Майсаларнинг майин тебраниши, булбуллар хониши, сувларнинг шилдираб оқиши гўё икки ошиқни олқишларди.

Шу дам узоқдан най ноласи эшитилди. Севишганлар жим бўлиб қолишди. Қушлар ҳам бир муддат сайрашдан тўхтадилар. Най эса оғир нола қиларди. Йигит ва қиз дунёни унутган эдилар гўё. Атроф жим-жит. Най ноласи тугаши билан ошиқ қалблар кўзидан беихтиёр ёш сизиб чиқди ва мафтункор юзларни ювиб ўтди.

Шунинг учун бўлса керак, най ошиқлар ноласидан яралган дейишади.

СЕНИ ЭСЛАБ

ЕМҒИР шаррос қўйиб ёғаяпти. Деразадан ташқарига тикилиб туриб сени эсладим. Замира. Ёдингдадир, баҳорда ёмғир уриб қуйиб турган кунда танишган эдик. Мен сени шунчалар севардимки...

Менда пул ҳам, мол-дунё ҳам йўқлигини билардинг. Лекин сенга бойвачча тўкис керак эди. Ўшандайини топиб тегдинг. Яхши қилдинг. Мен эса юрагимда сенга ҳайкал қургандим. Ўзинг бузиб ташладинг. Начора, одамни танлаб севиб бўлмайдику?!

Ўшанда сен баҳор бўлиб келгандинг қалбимга. Баҳоримни ҳам бирга олиб кетдинг. У баҳор энди қайтмагай...

Қара Замира, ёмғир ёғяпти. Шу дамда сени яна эсладим. Сен ҳам мени эсладингми?

Иззат АҲМЕДОВ.



«Чаманзорим, гулузорим, лолазорим,
Шу гулшанда айтадурман дилим розин».

Тўлқин Каримов сурат лавҳаси.

Ижодий сафар

Турмуш чорраҳаларида

ИЖОДИЙ САФАР

Яқинда Ўзбек Давлат филармониясининг Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат халқ чолғу оркестри Ленинободдан қайтиб келди.

Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР бастакорлар уюшмалари ўзаро ҳамкорликда ўтказган гастрол сафари муваффақиятли ўтди. Концерт таниқли тожик бастакорлари Дамир Дўстмуҳамедовнинг «Муқаддима» деб номланган увертюраси билан бошланди. Сўнг, Одилжон Назаровнинг куй ва қўшиқлари ҳамда Абдураҳмон Тошматов, Шарафуддин Сайфуддиновнинг асарлари ижро этилди. Ўзбек бастакорларидан эса Тўлқин Қурбонов, Мирҳалим Маҳмудов, Ҳабибулла Раҳимов ва Фарҳод Алимов асарлари янгради.

Оркестрга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фарруҳ Содиқов дирижёрлик қилди.

Ҳасан ИБРОҲИМОВ.

— СОБИРЖОН, янглишмасам, фан номзоди бўлганингизга ҳам йигирма йилдан ошиб қолди. Ҳозир фан доктори бўлсангиз керак? — қизиқиб сўради Миржалил ака.

Устоздан худди шундай савол берилишини кутиб турган одамдай Собиржон ҳам ҳозиржавоблик билан:

— Хотирангизга балли устоз, янглишмадингиз, — эътироф этди Собиржон.

— Бола — бошдан, она — ёшдан деганларидай, бўладиган боланинг қобилият куртакларини биз ўқитувчилар тез пайқаб оламиз. Ахир, мактабда ўқиб юрган кезларингизданёқ ёзиш-чизишга қобилиятингиз борлигини сезгандим, — деди Миржалил ака. — Ёдингизда бўлса керак, «Ленин учкуни» газетасида «Умидли ёшлар» деган илк ҳикоянгиз босилиб чиққан куни шодликни биргалашиб бахам кўрган эдик. Қанча ўтди шундан буён? — қизиқиб сўради Миржалил ака.

— Ўттиз беш йил бўлди, — деди Собиржон.

— Демак, шунча йилдан буён ижод қилиб келяпсиз?

— Худди шундай.

— Жумҳуриятимизнинг атоқли ўқитувчилари ҳақида илк бор рисолангиз чиққанига қанча бўлди?

— Йигирма беш йил.

— Демак, ҳозиргача ўнлаб рисолаларингиз, китобларингиз чиққан бўлса керак?

— Ҳа. Агар сон жиҳатидан олиб қарасак, ўн саккизинчи китобим яқинда чиқди...

— Баракалла! Менинг тахминларим ҳам чакки эмас... Шунинг учун, сизни аллақачон катта олим, профессор бўлган бўлсангиз керак деб ўйлагандим, — деди Миржалил ака қўлидаги пиёладан чойдан бир хўплаб.

— Йўқ устоз, афсуски ҳали профессор бўлганим йўқ.

— Таажжуб? Нега?

— Айтаверса, гап кўп... Лекин мен сизнинг бир маслаҳатингизга қулоқ солмаганимга ҳозиргача афсус қиламан. Сиз бир вақтлар айтгандингиз: «Собиржон, халқимизнинг «Илм кўп, умр оз, зарурини ўрган» деган мақолига қатъий амал қилсангиз чакки бўлмасди. Кучингизни ҳар хил соҳага сарф қилаверманг... Бадиий адабиётни танладингизми, ана шу йўлдан кетаверинг», дегандингиз... Мен бўлсам, бадиий адабиёт, илмий иш, таржима, таҳрир, тақриз қилиш, жарида-рўзномаларга мақолалар ёзиш, радио-телевиденияга чиқишлар дегандек тўғри келган кўчага кириб кетаверибман. Ижодий кучим ҳар томонга сочилиб кетаверибди...

— Шунисига ҳайронман-да, — деди Миржалил ака.

— Э, устоз, келинг, юракдаги ярани тирнамай қўяқолайлик... Мавриди келганда гапириб берарман, — деди Собиржон, негадир юрак ярасини тирнагиси келмаган одамдек.

— Сиздек истеъдодли ўқувчимнинг тақдири мени жуда қизиқтиради... Эшитайлик, шояд бирор фойдали маслаҳат чиқиб қолар, — деди камтаринлик билан шогирдининг кўнглига далда бериб Миржалил ака. — Сизлар нима дейсизлар? — деб, дастурхон атрофида ўтирган одамларга юзланиб сўради.

— Келинглар, Миржалил акамларнинг сўзларини ерда қолмасин, бояги гап чала қолди. Эшитсак, чакки бўлмас, — деб устознинг фикрини қувватлади Эшпўлат.

— Эшитайлик, эшитайлик, — деган овозлар эшитилди.

— Миржалил акам боя айтганларидай докторлик диссертациям бундан ўн беш йил илгари тайёр бўлган эди. Ўшанда мен бир вилоят педагогика институтида ишлардим. Илмий кенгашнинг тавсиясан кейин, тегишли хат олиб институтга келдим. Институт ректори очиқ чеҳра билан самимий қаршн олди. Шу ондаёқ йўлланма хатнинг ҳошиясига «ўртоқга...нинг диссертациясини ўқиб, муҳокама қилинглар», деб, тегишли кафедрага ёзиб берди... Кафедра мудири профессор Раҳматов негадир ноҳушроқ қабул қилди... «Укажон, очиғини айтиб қўяқолай: ҳозир Москвада Олий Аттестация Комиссияси ўз фаолиятини қайта қуряпти... Бироз фурсат қутишга тўғри келади» деди... Мен бу даргоҳга боришдан чарчамадим. «Эрта келинг», «Бир ойдан кейин хабар олинг» деган бир қолипдаги сўзларни эшитишга анча кўникиб қолдим...

Борингки, орадан роппа-роса беш йил ўтди. Кунларнинг бирида мени кафедранинг мажлисига таклиф қилишди. Икки соатлик муҳокамадан сўнг: «Сизнинг диссертациянгиз бизнинг илмий кенгашнинг йўналишига тўғри келмас экан... Яхшиси, Москвага боринг, у ерда мутахассис олимлар, махсус илмий кенгашлар» кўп деб қайтариб беришди. Икки калима сўзни эшитиш учун беш йил кутишга тўғри келди!

... Хуллас, йил давомида пойтахтга 3-4 марта боришга тўғри келди... Ниҳоят, кунларнинг бирида академияда ўтказилаётган бир мажлисда икки ўртада низо чиқди. Раислик қилувчи профессор бир олимамиз билибми, билмасдан аҳамиятсиз саволларни бераверіб, одамни чалғитиб юборди... Сабр-косам тўлиб «Ҳурматли фалончи опа! Сиз илм аҳлларининг ҳаммасини ҳам қўйдек ювволш, биз нима десак, гапимизни эътироф этаверадиган лақма одамлар деб ўйлайсизми?» деб юбордим...

Жўнаб кетиш олдидан Фанлар академиясига кириб бўлган воқеани гапириб берган эдим бу ерда менга: «Бу ер сенга нима? Катта илмий анжуман, илм марказими ёки Тошкентнинг мол бозорими?.. Ҳар қалай жаҳлинг чиқса ҳам тилингни тийиб туришинг керак эди» дейишди.

— Хўш, кейин нима бўлди? — луқма ташлади Турдиқул.

— Кейин диссертациямни олиб Қозон шаҳрига бордим. Илиқ кутиб олишди. «Навбати билан чақирамиз» дейишди. Бу ерда ҳам икки йилдан знёд кутишга тўғри келди... «Бечораннинг оғзи ошга етганда бурни қонайди» деганларидек, менга навбат келганида илмий кенгашнинг умри тугаб қолди. Орадан яна бир-икки йил ўтди. Ниҳоят Қозон шаҳрига бориб, ҳужжатларимни қайтариб олишга мажбур бўлдим. Шунда бир одам ажойиб гапни айтди: «Азизим, сиз аллақачон ҳимоя қилган бўлардингиз-ку, лекин айрим ҳамшаҳарларингиз сиз ҳақингизда раҳбарларимиз қулоғига ҳар хил гапларни қуйиб туришди...»

Мен шундан кейингина ҳақиқий аҳволни тушуниб етдим. Тошкентга қайтгач, ўша институтга бориб, ҳужжатларни топширмоқчи бўлдим. Илмий кенгашнинг котиби «жуда талабчан» одам экан. Ҳужжатларни кўриб чиқиб, «Анчаси эскириб қолипти. Диссертациянгиз ҳам бундан ўн беш йил илгари ёзилган экан. Ҳозирги замон талаби асосида яна бир бор қайта кўриб чиқсангиз. Эскирган, кам аҳамиятли жойларини олиб ташланг. Муҳокамадан ўтказиб, сўнг бизга олиб келинг», деб маслаҳат берди...

— Масала энди ойдинлашди, — деди Миржалил ака. — Хўш, буёғига нима қилмоқчисиз?

— Ҳайронман. Жуда бошим қотди... Институтларда ҳам боя айтганимдай аввалига «хўп» дейишади-ю, орқаворотдан «суриштириб» «Бизга тўғри келмас экан»ди деб кўя қолишади. Кейин билсам, ўша институтдаги ҳурматли устозимиз орқамиздан ҳар қанақа гапларни тарқатиб юрар экан. Ахир, шундай аллома одам айтгандан кейин ишонмай бўладими!

— Кечирасиз, ўша аллома орқангиздан нима деб гап тарқатаркан, — қизиқиб сўради ўтирганлардан бири.

Нима дерди, эҳтиёт бўлинглар, у ғаламис одам, иғвогар деяркан, — кейин Миржалил акага қараб: — Устоз, сиз ҳамиша бизларга далда бериб келдингиз. Лекин, ёшни ҳам ҳисобга олиш керак-да. Ахир, ёш ҳам олтмишга қараб кетяпти, бу ёғида нима қолди? — деди Собиржон.

— Бу фикрингизга қўшилмайман. Хўш, айтингчи, фан доктори бўлишдан асосий мақсад нима? Фанга умрни бағишлаш, унинг фидойиси бўлиш, ҳозирги ва келгуси авлод учун ўзидан мерос қолдиришми ёки гўр бўлсада, тезроқ илмий даражани олиб, ўзининг шахсий манфаатини кўзлашми? Қайси бирини афзал кўрган маъқул?

— Билмадим, — деди ҳорғин Собиржон.

— Менимча, гап ёшда эмас. Моддий манфаатдорликда ҳам эмас. Энг муҳими, олдингга қўйган мақсадга эришишда! Модомики, сиз умрингизни шу ишга бағишлаган экансиз, энди афсус қилишнинг ҳожати йўқ. Мақсад сари интилиш керак. Ҳаёт шуниси билан гўзалда, ўғлим! Бўшашманг!

Собиржон чарчоғи тарқаб қайтадан қувватга кирган одамдай енгил тортиб жилмайди.

Абдулла ИСМОИЛОВ.

АЙТСАМ ТИЛИМ...

Китоб жавонингизга

ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН

ҚАДИМИЙ ва навқирон фанларимизнинг бири кимёдир. Ўрта асрларда яшаб ўтган Жобир ибн Ҳайём, Абу Носир Муҳаммад Форобий, Абу Бакр Розий, Абу Абдулла Хоразмий, Абу Мансур Муваффақ ал-Хоравий ва бошқа олимларимиз илмий ишларида кимёвий моддаларнинг ҳоссалари ва қўлланишлари ҳақида маълумотлар бор. Буюк алломаларимиз Абу Али ибн Сино билан Абу Райҳон Беруний дунё олимлари томонидан алкимёгарлар сифатида тан олинган бўлиб, улар оддий маъданларни қимматбаҳо маъданларга айлантириш тарафдорларига, буни амалга ошириб бўлмаслигини амалда тушунтириб берган эдилар. Бу ҳақда америкалик ёзувчи А. Азимов ўзининг кимё тарихига бағишланган китобида тан олади.

Мўъжизакор фаннинг тарихи, ривожланиши ва ҳозирги кун халқ хўжалигидаги аҳамияти Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор Мирҳожи Аскаровнинг яқинда «Фан» нашриётида босилиб чиққан «Қадимий ва навқирон кимия» рисоласида ўз аксини топган. Асардаги «Ўзбекистон кимияси ривожланишда», «Пластмассанинг умри боқий хоссалари чексиз», «Эйфель минорасидан баланд», Ажойиб талқон», «Гўза ва сиркадан газмол», «Муборак гази — Навоий ипаги», «Табиат билан мусобақа», «Мактабдан — академияга», «Мўъжиза эмас, илмий изланиш», «Келажак асрга оқ йўл» ва шу каби бошқа қатор мақолалар оммабоп ёзилганлиги билан қизиқиш туғдиради. Кимёнинг қурилиш ашёлари саноатида, машинасозлик, тайёрасозлик, кемасозлик, турмушимиз ва маиший хизмат ишларидаги улкан аҳамияти ҳақида маълумотлар ўқиймиз. Энг муҳими — кимё хизматларидан воз кечиш керак эмаслиги, у ишлаб чиқараётган юзлаб хил муҳим маҳсулотлардан тўғри, оқилона ҳойида ва самарали фойдаланиш кераклигини кўрсатиб ўтади.

Китоб муаллифи кимёни экологик аҳволни бузувчи фактор сифатида эмас, балки аксинча, ундан атроф-муҳитни, сув, ташландиқ ва иккиламчи ресурсларни тозалаш ҳамда ишга солишда фойдаланишни маслаҳат беради. Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган рисола мазмуни, чиройли безатилгани билан кўпчиликда қизиқиш уйғотишига аминмиз.

Қудрат АҲМЕРОВ, кимё фанлари доктори, профессор.

Ҳикмат—бир ҳовуч олтин

Меҳнат бўстони

⊙ Меҳнат — танга қувват, номга — шуҳрат келтиради.
⊙ Дарахт эксанг — қуш қўнар,
Меҳнат қилсанг — бахт унар.
⊙ Нурдан — одам сояси,
Меҳнат — умр ғояси.
⊙ Меҳнат қилган кишини оғаси эмас, эл билар.
⊙ Меҳнат қилган ёшликдан — қутулар бебошликдан.
⊙ Ўтириб меҳнат қилган, юриб дам олади.
⊙ Меҳнат — яхши дамга ҳамдам.
⊙ Ишонч билан бошланса иш — Охирида келтирмас ташвиш.
⊙ Меҳнатда — кўз қўрқоқ, қўл ботир бўлади.
⊙ Меҳнатнинг бўстони — роҳатнинг гулистони.
⊙ Ақлий меҳнат — одамларга зийнат.
⊙ Меҳнат қилиб, роҳат кўр.
⊙ Меҳнат — умрга озиқ,
Саломатликка — ҳозиқ*.
⊙ Ҳунарли эр — хор бўлмас,
Дўст-душманга зор бўлмас.
⊙ Бўлай десанг саломат
Ҳордиқ олиб, қил меҳнат.

*Ҳозиқ — табиб маъносида

Абдураҳим УМАРОВ, шифокор.



⊙ «БАХТИЕР ҚИЗАЛОҚЛАР РАҚСИ».

Даврон Аҳмедов сурат лавҳаси.

Сайёҳ саргузаштлари

ЮРГАН-ДАРЁ

⊙ **Кимё фанлари доктори Насрулла Алиев табиатан сайёҳат шайдоси. Инкон топилди дегунча табиат қўйнига ошиқади. Қуйида олим сўлим оромгоҳлардан олган таассуротларини қоғозга туширган. Ушбу мақола ҳурматли оқшомхонларга манзур бўлади, деган умиддамиз.**

ҚРИМНИНГ жанубий соҳиллари нафақат Ватанимиз, ҳатто чет элларда ҳам сўлим оромгоҳ, зўр даволовчи иқлим ҳамда халқаро туризмнинг маркази сифатида машҳур. Чунки бу ерларда қуёш чарақлаган кунлар кўп бўлганлиги сабабли қуруқ ҳавога, илиқ денгиз сувига, бой бўлиб даволовчи хусусиятли лойқалар ва минерал сувлар манбалари бор.

Евпатория — Қрим ярим оролининг денгиз бўйида жойлашган кичик шаҳри. Аҳолисининг сони 120 минг кишига яқин. Шаҳарда денгиз порти, темир йўл вокзали, тажриба-механика заводи, мебель фабрикаси, балиқни қайта ишлаш заводи, гўшт ва нон комбинатлари, сут, пиво ва спиртсиз ичимликлар корхоналари мавжуд. Пирик саноат йўқ. Шаҳарликларнинг асосий қисми хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилишади. Евпатория (грекча «яшаш учун жуда қулай ер») Қримнинг шимоли-ғарбида, чўл қисмида жойлашган. Шаҳар Каламит бўғози бўйлаб 14 километр масофага чўзилган. Грек ва римликлар манбаларида ёзилишича эрамиздан аввалги VI-V асрларда ҳозирги Евпатория ўрнида Керкинитида деб юритилган аҳоли яшайдиган манзил бўлиб, у Карантин бурнида, Каламит бўғози бўйлаб жойлашган. Келган туристларга ана шу Керкинитиданинг қадимий деворлари қолдиқларини кўрсатишади.

Евпаторияннг эски шаҳар қисми ўрта асрлар қўрғилишларини эслатади. Унинг атрофларида Шарқ услубига хос бинолар, дарвешлар қароргоҳлари, турғча ҳаммомлар кўзга ташланади. Шаҳарнинг ўртасида XVI аср (1552—1564 йй.) меъморчилигининг ажойиб намунаси — Жума — Жомий масжиди савлат тўкиб турибди. Бу масжид тўғри тўртбурчак шаклда қурилган бўлиб марказий қисмининг айланаси 11,5 метрга тенг. 20 метр баландликда масжиднинг асосий айланаси (купол) жойлашган. Иморатнинг ғарбий ва шарқий чеккасида ҳар бирининг баландлиги 35 метр бўлган иккита минора бор. Унинг муаллифи турк меъмори (грек миллатига мансуб, у мусулмон динини қабул қилган) Ҳўжа Синандир (1489 — 1588 йил). У Туркияда таҳсил кўриб, ҳарбий қурувчи-инженер, архитектор ва астроном бўлиб етишади. Ҳўжа Синан ижодининг маҳсулдорлигига қойил қолмай бўлмайди. У ҳаммаси бўлиб 330 та улуғвор бинолар, шу жумладан 131 та масжид, 55 мадраса, 19 мақбара, 17 та карвонсарой, 14 та минора, 31 та қаср, 35 та ҳаммом ва ҳоказолар яратган. Бу ўлмас кошоналарда Ҳўжа Синан Византия архитектураси ютуқларини Шарқ мусулмонлари обидалари билан узвий боғланишига муваффақ бўлган. Ҳар бир ҳонликка номзод шахс денгиз орқали Туркияга бориб, у ерда тасдиқ фармонини олгач, ана шу Жума — Жомий масжидида Қрим хони деб эълон қилинган. Шундан сўнггина хон пойтахт — Боғчасаройга йўл олар эди.

Евпатория ҳақида сўз юритганда энг аввало уни Бутуниттифоқ болаларни даволайдиган қароргоҳ деб номлаш зарур. Чунки, унинг ёмшоқ ва қуруқ ҳавоси, ҳароратининг деярли тез ўзгаравермаслиги ҳар қандай организмга ҳам қулай шароит яратади.

Денгиз сувида чўмилиш организмнинг чиниқишига, модда алмашинувининг тезлашишига, асабни мустаҳкамлашга ва қон айланишини яхшилашга олиб келади. Шаҳарда 45 минг кишига мўлжалланган 99 санаторий-курорт муассасалари, шу жумладан, 30 та болалар санаторийси, шунча пионер лагерлари, 6 пансионат, ҳамда ота-оналар учун меҳмонхоналар мавжуд. Бу шаҳарда умуман йилига 2 миллионга яқин киши дам олади.

Евпатория иттифоқимиздаги энг серқуёш шаҳарлардан ҳисобланади. У ерда йил давомида 258 кун (гоҳо 289 кунгача) қуёш порлаб туради. Биз шаҳарда ноябрь ойида бўлганимизда қарамай, барча кунлар қуёшли бўлди. Соҳил бўйларидаги сув доимо илиқ. Шу сабабли Тошкентдан борган бизнинг гуруҳ аъзолари орасида наҳорда туриб, денгиз сувида чўмилувчилар ҳам бор эди.

Шаҳар шуҳратининг ошишида унинг шарқий ва ғарбий чеккаларида мавжуд бўлган шифобахш лойқа кўллар — Мойнақи ва Сассиқ-Сивашларнинг роли каттадир. Узоқ йиллар мобайнида бу кўллар қум тўпламлари орқали денгиздан ажралган ва сувнинг парланиши натижасида тузлар йиғилган. Бу ерларга ёмғир сувлари, ер ости булоқ сувлари ва ўсимлик ва ҳайвонлар қолдиқларини (органик моддалар манбалари) оқизиб келган, йиллар давомида бу бирикмалардан қора лойқалар ҳосил бўлган. Лойқаларнинг минерал тузлар билан ўзаро таъсири натижасида шифобахш «балчиқлар» ҳосил бўлган. Бу кўлларнинг тузлар билан юқори даражада тўйинган сувлари — рапа ҳам даволовчи хусусият намоён этади. Рапанинг таркибида натрий, калий, ва магний хлоридлари, ҳар хил органик моддалар, кальций нордон сульфати кабилар мавжуд.

Қизиғи шундаки, бу лойқаларнинг шифобахш хусусиятидан эрамиздан аввал ҳам фойдаланишган. Мойнақи лойқаларидан даволаш муассасаси сифатида биринчи маротаба 1887 йилдан бошлаб фойдаланила бошланди. Бу ерда бир қатор даволовчи вannалар саломатлик хизматида. Кимёвий, биотелеметрик ва радон лабораториялари ишлаб турибди, қуёш нури остида лойқаларни суртиш усулидан ҳам фойдаланилмоқда. Бу усул бўйича тананинг маълум қисмига қуёш нурида иситилган ўша лойқадан суртилади ва қуёш нури остида маълум муддат турилади, натижада нами қочиб, лойқа қуриб ёрилади ва тушиб кетади, шундан сўнг денгизда чўмилиш мумкин ёки душ қабул қилинади.

Бу ерда ошқозон-ичак, буйрак касалликларини даволашда узум билан даволаш усули қўлланилади. Бу мақсад учун узумнинг кислоталик хусусияти кам бўлган сортлари ишлатилади.

Евпаторияда бўлганимизда шаҳарликларнинг даволаниш ва дам олиш учун келганларга, айниқса болалар саломатлигини тиклаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга астойдил уринишларини кўрдик.

Шу ўринда оташин шоир В. В. Маяковскийнинг — «Мен Евпаторияда бўла олмаганларга жуда-жуда ачинаман!» — деганида қанчалар ҳақ эканлигига иқрор бўлдик.

Насрулла АЛИЕВ.



Ижтимоий соҳа: халқ манфаатини кўзлаб

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

ва ана уч объект — «Наврўз» деб аталган болалар қаҳвахонаси, тўқилган буюмлар моделларни республика уйининг фирмали магазини, нон-булка магазинининг 1 Май тантаналарни арафасида Чилонзор районида очилганлиги районда ижтимоий соҳани ривожлантиришга, бевосита инсон ҳақидаги ғамхўрликка нақадар катта эътибор берилаётганлигидан ёрқин далолат беради. Мазкур объектларнинг тантаналли очилишида Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. Н. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хотин-қизлар ишлари, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлимининг мудири О. С. Аббоссова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети раисининг ўринбосари А. В. Гончарова, Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари О. Ж. Исмонлов иштирок этдилар.

1 Май арафасида ўз эшикларини очган маданият-соғломлаштириш марказида ҳамма нарса, бинонинг миллий анъаналар ва иқлим хусусиятлари ҳисобга олиб очилган ташқи қиёфасидан тортиб, унинг ритмик ва атлетик гимнастика, яккама-якка шарқ олишувлари учун мўлжалланган залларигача, компьютер синфигача ҳайратда қолдиради. Бу ерга қадам ранжида қилишингиз билан кайфиятингиз ўз-ўзидан кўтарилади, яна бир бор келсам деган истак пайдо бўлади. Марказнинг ҳар бир бурчаги жиҳозлари пухта ўйланганлиги, компьютерлар хонасида бериладиган ахборотларнинг ишончлилиги ана шундай кайфият яратади.

— Ёшингиз нечада, вазнингиз, бўйингиз, қадди-бастингиз қандай? — деб савол беради ҳозирча ана шу синф фаолиятига бошчилик қилаётган Чилонзор район ижроия комитети ахборотлар секторининг раҳбари Пётр Николаевич Лободе.

Маълумотларни у компьютерга киритади. Унинг ўз ёрдамчилари билан ишлаб чиққан дастури озиши ёки семириши, шунчаки ўз саломатлигини эҳтиёт қилиши лозим бўлганлар учун машқ ва машғулотлар методикаси қандай бўлиши ҳақидаги саволларга дарҳол жавоб бериш имконини беради. Ахборотлар ниҳоятда тўлиқ ва кенг қамровлидир. Инсон сиҳат-саломатлигини тиклаш бўйича машғулотлар айнан шу ахборотларга асосланади.

Ҳозирча мазкур синф ходимлар билан тўлиқ таъминланган эмас. Аммо марказнинг дастлабки зиёратчилари дисплейлар ёнига қизиқиб ўтиришади, экранда нима пайдо бўлар экан, деб тугмачаларни босиб кўришади.

Марказ ўз фаолиятини эндигина бошлаяпти. Аммо бу ерда ўз саломатлигини тиклашоқчи бўлганлар талайгина. Аэробика, атлетик гимнастика билан шуғулланиш, якка-якка шарқ олишувлари — у-шу, каратэ-до, дзюдо усулларини эгаллаш, сиҳат-саломатликни мустаҳкамлаш имкониятларидан ўзига жалб этади.

Бу ерда шифобахш ичимликлар сотиладиган фитобар, сауна бор, яқин орада сув ҳавзаси ҳам пайдо бўлади. Ҳавза қурилиши стадион яқинида бошлаб юборилган. Марказда бу ерга болалари билан келадиганлар учун болалар хонаси ҳам мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга.

— Ота-оналари ўз саломатлигини тиклаётган бир пайтда болалар тарбиячилар назорати остида турли ўйинларни ўйнашлари, телевизор орқали кўрсатувларни томоша қилишлари, эртак тинглашлари мумкин, — деб ҳикоя қилади соғломлаштириш марказининг директори Юрий Владимирович Ловягин. — Марказ кўчалик ҳисобида иш олиб боради, аммо жисмоний тарбия-соғломлаштириш гуруҳларидаги машғулотларнинг баҳоси қиммат эмас — бир ҳафтада уч марта машғулотларда бўладиганлар учун ойига 6 сўм 50 тийиндан 24 сўмгача ташкил этади.

Соғломлаштириш маркази илмий-тадқиқот таъмирлаш устахоналари директори меъмор Азамат Рамзиддинович Тўхтаевнинг лойиҳаси бўйича қурилди. 150 ўринли қаҳвахона қурилиши ҳам унинг меъмор Владимир Геннадьевич Перепёлкин билан биргаликдаги яратган лойиҳаси бўйича олиб борилди.

Улуш қўшиш асосида бунёд этилган соғломлаштириш маркази қурилишида районнинг барча қурилиш ташкилотлари, шу жумладан 153-қурилиш трести иштирок этди. Қаҳвахона қурилишида эса саноат қурилиши трести бош пудратчи бўлди. Шуни айтиш керак бунёдкорлик ишлари сидқидилдан олиб борилган, шунинг учун уларни кўриб кўзингиз қувнайди.

Н. ЮНУСОВА.

СУРАТЛАРДА: соғломлаштириш марказининг дастлабки иш кунидан лавҳалар.

Р. Шарипов суратлари.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг навбатдаги сони 3 майда чиқади.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими нозирлиги

10-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йилига

ҚУНИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Якка буюртмаларни тикувчилар, кенг профилдаги сартарошлар, қандолатчилар, ошпазлар, холодильник тузатиш слесарлари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, умумий овқатланиш кассир-контролёри.

Билим юртига 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ёшдан ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—1,5 —3 йил.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, 1/2 Қора-Қамиш массиви, 20-уй (42, 43э, 56, 93-автобуслар, 19, 27-трамвайларнинг «Мактаб», 7, 10-троллейбусларнинг охирги «1/4-Қорақамиш» массиви, 82-автобуснинг «1/4-Қорақамиш массиви» бекатлари).

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

26-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Чинни шаклини тайёрловчи, чиннини механик усулда безовчи, чиннига шакл берувчи, чиннини терувчи, чиннини пиширишга тайёрловчи автомат станокларда ишловчи оператор.

Юқоридаги касблар бўйича ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишга 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган хотин-қизлар; ҳамда ҳарбий хизматни тугаллаган йигитлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар 85 сўм стипендия билан таъминланади.

Қўшимча ишлаб чиқариш вақтидаги иш ҳақи тўлиқ берилади.

Шунингдек, ўрта мактабнинг 9—11 синфини тугаллаган ёшлар қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Заргарлик, чиннига шакл берувчи.

Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугатганларга 2 йил, 11-синфни тугатганларга 1 йил.

Чиннини сараловчи, чиннига зарҳал берувчи.

Ушбу касблар бўйича ўқиш муддати 9-синфни тугаллаганларга 3 йил, 11-синфни тугаллаганларга 1 йил.

2-3 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

1 йиллик муддатга ўқишга қабул қилинганлар 45 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга қабул қилинганлар қўшимча ишлаб чиқариш практикасидаги иш ҳақининг 50 фоизини оладилар.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртида заргарлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент заргарлик заводига, чинникорлик ҳунарини эгаллаган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Билим юртига ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг Тошкент ва Калинин районида яшовчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см), таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти қўнимгоҳи: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-боши берк кўча, Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38. (100, 166, 76, 59-автобусларнинг «Қўш тут» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 9—11-синф ҳажмда маълумотга эга бўлган қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва эркаклар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфни битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларнинг 10 фоизига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар «И. Ганди» номли маданият саройидан кенг фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўгараклар, спорт секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар корхона территориясига жойлашган маиший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ-кийим устахонасидан, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат магазинидан, профилакторийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараги, «Модалар театри» тўгараги, шунингдек, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарларига, дам олиш базаларига бепул туристик путёвкалар билан тақдирланадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 3х4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй. (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60э, 71, 80э-автобусларнинг «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 МАЙ СОАТ 19.00 ДА,

2 МАЙ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

ИШТИРОКИДА

«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

Хонандалар: ДАДАХОН ҒАНИЕВ, ҲОТАМЖОН ЎРИНБОЕВ.

Концертдан тушган маблағнинг бир қисми БОЛАЛАР ФОНДИГА ва бир қисми ОРОЛ ФОНДИГА ўтказилади.

Программани сўз устаси
МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.

БАҲОР ЛИБОСЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...

«МОДА» ДЎКОНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Бу дўкон ҳозир Марказий универсал магазиннинг очиқ ҳаводаги савдо расталаридан бирида жойлашган.

Бу дўкондан энг замонавий — Ўзбекистон корхоналари ишлаб чиқараётган ва расм бўлаётган тикувчилик буюмларини, пойабзалларни, тўқилган буюмларни

ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

Ҳозир «МОДА» дўконида — костюмлар, сидирға гул босилган, нўхат гулли ип-газламали трикотаждан тикилган кўйлаклар ва юбкалар бор.

Нархи 25 сўмдан 46 сўмгача.

Ёш жувонларга крепдешиндан тикилган ва расм бўлаётган кўйлакка, тўладан келган аёлларга феруза, мовий, кўк рангдаги юпқа, жун аралаш газламадан тикилган кўйлакка эътибор беришни тавсия этамиз. Қад-басти — 120.

Шу дўкондан сиз пойабзалларни хотин-қизларнинг чиройли шиппакларини, баланд пошнали табиий чармдан тикилган туфлиларини; эркакларнинг классик услубдаги туфлиларини, спорт услубидаги туфлиларини, кроссовкаларини сотиб олсангиз бўлади.



«МОДА» дўкони соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — якшанба.

Марказий универсал магазин.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/V да **Ўзбекистон ССР халқ артисти Малика Аҳмедова иштирокида байрам концерти** (18.00). 2/Vда **Етакчи опера ва балет солистларининг концерти** (18.00). 3/Vда **Севги тумори** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА 1/V да **Байрам концерти** (19.30). 2/V да **Байрам концерти** (19.30). 3/V да **Ака-ука совчилар** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 1, 2/V да **Отасининг қизи** (13, 16, 19.00).

КИНО

1 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, К. Ерматов номли «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти», катта зал, 17, 20.00); «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, 18, 20.45).

Чайка — «САБР КОСАСИ» (21.00); «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, 18.30).

Москва — «УЧРАШУВ» (18.30, 20.40).

Восток — «БЕВОШ ЭРКАКЛАР» (17, 19, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «БЕВОШ ЭРКАКЛАР» (21.30).

Тошкент Советининг 50 йиллиги—«САБР КОСАСИ» (19.00); «ВИТЕБСК ИШИ», 1-фильм, «ЖИНОЯТ» (17, 21.00).

К. Ерматов номли — «ЖАНОВ ҲИНДИСТОН» (18.30, 20.00); «ХОН ГИЛЬ ДОН» (17, 21.00).

2 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, К. Ерматов номли «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти», катта зал, 11, 14, 17, 20.00); «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, 12, 15, 18, 20.45).

Чайка — «САБР КОСАСИ» (21.00); «ТЕМИР ХОТИН» (Ўзбек тилида, 11, 13.30, 16, 18.30).

Москва — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40).

Восток — «БЕВОШ ЭРКАКЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «БЕВОШ ЭРКАКЛАР» (21.30).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «САБР КОСАСИ» (11, 15, 19.00); «ВИТЕБСК ИШИ», 1-фильм «ЖИНОЯТ» (13, 17, 21.00).

К. Ерматов номли — «ЖАНОВ ҲИНДИСТОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.00); «ХОН ГИЛЬ ДОН» (12, 14, 17, 21.00).

Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти касаба уюшмаси комитетининг йўқолган

МУҲРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



33-29-33 — С. Б. Ёқубов, муҳаррир ўринбосари
33-57-02 — А. М. Акромов, масъул котиб
32-55-21 — А. Н. Абдуллаев, катта мухбир

БЎЛИМЛАР

⊙ Партия турмуши, совет қурилиши ва шаҳар хўжалиги:
32-57-84 — Т. М. Тошев, мудир
32-55-52 — М. О. Комилжонов, мухбир
32-53-66 — Р. З. Аҳмадалиев, мухбир
32-54-34 — Ф. А. Ҳусанова, мухбир

⊙ Иқтисод:
32-54-19 — Ҳ. И. Икромов, мудир
32-54-34 — В. Т. Мадимарова, мухбир
32-58-85 — А. С. Нуримов, мухбир.

⊙ Ижтимоий масалалар:
32-53-10 — Т. А. Расулев, мудир
32-58-85 — Р. А. Бобомуҳамедов, мухбир

⊙ Ахборот:
32-55-39 — Р. Н. Файзуллаев, катта мухбир

⊙ «Маҳалладош» иловаси:
32-53-66 — С. Б. Шодиев, мухбир

⊙ Хатлар:
33-29-70 — З. М. Аъзамхўжаева, мудир
32-57-74 — Т. Қ. Каримов, суратқаш-мухбир

⊙ Эълонлар:
33-81-42.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горнома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 02751.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.